Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 137 (7. 226) 1990 йил 18 июнь, душанба Баҳоси 3 тийин



Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилди

Корхона «қўли»ни ким боғлаяпти?

«Бугун биз съездда бугун масъулият билан шундай дейишимиз керак: минтақамиз тараққиётининг тарихий, оқилона мантиқини эътиборга олмай, буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари тазйиқи остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак. Минтақамиз тараққиётининг истиқболларига аввало жумҳурият аҳолисининг мана шу қадимий ва гўзал диёрида яшовчи барчанинг, ҳар бир кишининг манфаати нуқтаи назаридан қарамоқ керак».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг съездда гапирган бу сўзлари бугун инсон омили биринчи навбатдаги масала эканлигини таъкидлаш билан, янгича ишлашга сафарбар этади.

ШАҲРИМИЗДА ўнлаб корхоналар ҳақиқий мустақилликка эришиб, инсонлар оғирини енгил қилишга ҳаракат қиляптилар. Тошкент асбобсозлик заводи ана шундай корхоналардан. Корхона меҳнат жамоаси бугун бутун куч-қудратини умумий натижаларнинг самарали бўлишига қаратяпти. Ишлаб чиқаришлар қошидаги ширкатлар фаолиятига бу ерда алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу кўрсаткичларга муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Халқ истеъмоли моллари цехи ширкатларга ажратиб берилиши бу ерда иш фаолиятини ниҳоятда жонлантириб юборди. Одатда, ишлаб чиқаришни ширкатларга берилганда бу ерда мустақил фаолияту, маҳсулот турига ўзгартишлар киритиш ниҳоятда авж олиб кетади. Лекин асбобсоз-ширкатчилар белгиланган маҳсулот турлари билангина чекланиб қолмай, янгиларини ҳам ишлаб чиқараяпти. Ҳозир мазкур цех 3 миллион 250 минг сўмлик маҳсулот топшириш қувватига эга бўлди. Бу ўтган йилгига нисбатан 1 миллион сўм кўп демакдир.

Ишчилар бугун ҳар доимгидан бошқачароқ ишлаш зарурлигини чуқур ҳис қилишяпти. Хўжалиқ ҳисоби аслида корхонага мустақиллик бериш демакдир. Шуни назарда тутган завод аҳли фақатгина турли асбоблар билан чекланиб қолмай, эҳтиёж ўсиб бораётган бошқа буюмларни ҳам ўзлаштиряпти. Бугун ҳамма жойларда янги бинолар қурилиши авж олиб кетган. Хонадонлар қуриш ва уларни таъмирлашда пенопленлар жуда зарур бўляпти. Шу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан каттагина даромадга эга бўлиши мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра махсус линияни қуриш учун 1 миллион сўм маблағ керак экан.

Лекин мутасадди ташкилотлар пенопленнинг 12 турини ишлаб чиқариш имкониятидан воз кечиб кўя қолдилар. Заводга зарур маблағлар ажратилмади. «Ўз ишингиз билан машғул бўлинг» деб кўя қолишди молиячилар. Ваҳоланки заводдагилар савдо министрлиги билан шартнома тузиб қўйганди. Ҳозир бор имкониятларни ишга солиб асбобсозлар 300—500 минг сўмлик пенопленни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Лекин бу билан шартнома адо этилмайди. Бугунги кунда корхоналар ўз иш жараёнлари билангина чекланиб қолмай, халқнинг ўсиб бораётган талабларини қондиришга ҳаракат қилса, бунинг нимаси ёмон? Қўшимча цехлар очилиши асосий маҳсулотлар ҳажмига зарар етказмайди-ку. Ишчилар ўз талаблари қондирилса, аҳолига изоплен ва линолеум ҳам етказиб беришга бел боғлашганди. **Улар тўла қувват билан ишласалар Тошкент шаҳри аҳолисининг талабини бемалол қондириши мумкин. Бундай амалий ишларга аллақачон киришиш зарур эди. Лекин яна «юқори»дагилар қўллаб-қувватлашмади. Бу иш учун Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат комитети зарур маҳсулотларни ажратмади.**

Ҳар ҳолда амалий ишга киришган ишчиларнинг кайфиятлари анча бузилди. Тўла мустақиллик деб гапирамизу, лекин унга имконият яратиб бериш нарёқда турсин, ҳатто қаршилик ҳам кўрсатяпмиз. Бундай ҳолни нима билан изоҳлаш мумкин?

Ишчи жамоаси юзага келган бу ҳолатдан бирмунча ташвишлансада, мустақиллик учун ҳаракатни давом эттиряпти. Улар астойдил интилиш ва изланиш ўзининг самарасини беришига ишонадилар. Завод бугун сантехника термаларини, автомобиль қисмларининг катта талабга эга бўлган 5—6 турларини ўзлаштирдилар. Балиқ боқиш ҳаваскорларининг ўз аквариумлари учун махсус мосламаларни яқин орада харид қилиш имкони туғилади.

Тиниб-тинчимас ихтирочилар ҳозир янги турдаги кир ювиш машинасини ўзлаштиряптилар. Йилнинг охирида бу буюмнинг тажриба турлари тайёр бўлади.

Шунингдек бугун бўлинмалар ва лабораториялар уй бекалари учун гўшт кесиб берувчи буюмнинг янги тури, автомобилларни турли ҳодисалардан сақлаб қолиш учун унинг қаердалигини кўрсатиб турувчи кичик сигнал мосламаси ҳам йил охиригача ўзлаштириб бўлинади.

Ўз даромад жамғармасини ошириш учун аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйяпти. Кекасалар, мажруҳлар учун протез оёқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эски ётоқхона қошидаги 5—6 хонада фаолият кўрсатаётган ишчилар ҳозиргача юзлаб мажруҳларнинг раҳматини олишди. Бу ишга қўл урган ишчилар протезини бошқа корхонадагилар ёғочдан тайёрлашса, бу ердагилар пластик маҳсулотдан тайёрлайдилар. Унинг оғирлиги 1,5 килограммдан 3 килограммгача. Бу эса ёғоч протезга нисбатан бирмунча енгил, қолаверса, бошқа корхонада протезлар фақатгина бир хил, белгиланган катталикда тайёрланса, заводда шахсий буюртма асосида ишлашяпти. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда байналмилалчи-жангчиларга биринчи навбатда хизмат кўрсатилади. Ҳозир шу кичкинагина цехнинг шуҳрати бошқа иттифоқдош жумҳуриятларга ҳам тарқалибди. Россия, Украинадан келаётганлар заводдагиларга тасанно айтиб келяптилар. **Бугун бу хизматга буюртмалар жуда кўп. Лекин уларнинг ҳаммасини бажариш учун имкониятлар мавжуд эмас.** Авваламбор, цехнинг биноси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ҳозир цех учун янги бино зарур. Цехда буюртмачиларнинг талаби 2—3 кунда бажарилади.

Агар 2—3 қаватли бино бўлса, бу талабларнинг адо этилиши осонроқ кўчарди. Бу ишни ҳам заводликларнинг меҳр-шафқат намунаси деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу ерда кексалар, уруш қатнашчилари, Афғонистонда жанг қилган йигитларга хизмат кўрсатиляпти.

Корхона бугун ўзини қандай бўлмасин ўнглаб олиши зарур. Астойдил изланишлар, ишлаб чиқаришда барча имкониятлардан фойдаланиш зиммадаги режаларнинг тўла бажарилишига замин яратяпти. Шу йилнинг биринчи уч ойлиги натижаларига кўра 2631 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш яхши. 807 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари савдо пештахталарига жўнатилди. Режалаштирилган 546 минг ўрнига 560 сўм даромад олингани ҳам жамоада ишнинг яхши ташкил этилганидан далолат беряпти. **Лекин кўпгина корхоналардаги синглари мазкур жамоа ҳам даромаднинг катта қисми «юқори»га — министрликка ажратилаётганлигидан норози. Ўзингиз ўйлаб кўринг, барча маблағнинг 78 фоизи турли ташкилотларга берилса, завод аҳлига нима тегади?** Ўтган йили 3 миллион сўм даромаднинг атиги 400 минг сўми заводда қолганидан кейин ишнинг қай аҳволда эканлигини тушуниб олаверинг.

Даромаднинг кўп қисми «юқори»га берилаётган, янги ўзлаштирилаётган истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш чеклаб қўйилаётган ҳолни тўла мустақиллик деб бўлармикин? Заводга узоқ йиллардан буён М. Н. Галяутдинов раҳбарлик қилади. Бугун истеъмол буюмларининг янги турларини ўзлаштиришда унинг ҳам ҳиссаси бор.

Лекин у ва интилувчан жамоа тўла мустақиллик йўлидаги тўсиқларни тўла бартараф этишга қодир эмаслар. Наҳотки катта маблағларни қўлга киритаётган ишчилар янги цехга алоҳида бино қуриш, эски ускуналарни янгиларига алмаштириш имконига эга бўлмаса?

Бугун интилиш ва изланиш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин маъмурий-буйруқбозлик усулига чек қўйиб Тошкент асбобсозлик заводига ўхшаган жамоаларга тўла, мустақиллик бериш фурсати етмаганмикин?

В. МАДИМАРОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Тонгги рўзномаларда

⊙ Эртага Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Россия партия конференцияси очилади. Бугун рўзномаларда ана шу ҳақда хабарлар, 16 июнь куни М. С. Горбачев раислигида бўлиб ўтган конференцияда иштирок этиш учун келган РСФСР ўлка ва область партия ташкилотлари делегацияларн вакилларн кенгашнинг мажлиси ҳақида ҳисобот берилган.

⊙ 16 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жумҳуриятнинг иқтисодий мустақилликка ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишн масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Жумҳуриятимиз рўзномаларида кеча ана шу кенгаш ҳақида ҳисобот эълон қилинди.

«ҚОРАТОШ»НИНГ ОҚ УЙЛАРИ

(Суратли репортаж)



«ҚОРАТОШ» даҳасида қурилаётган 12 қаватли турар жой бинолари кўзга анча кўриниб қолди. Мана, қисқа вақт ичида мўлжалдаги 12 та бинодан учтаси фойдаланишга топширилди. Қолганларида, яъни монтаждан чиққанларида пардозлаш ишлари, қад кўтараётганларида эса монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Қурилиш ишларини бош пудратчи — Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 12-трестига қарашли 49-қурилиш бошқармаси Ўткир Ортиқов, Александр Камнев, Ёдгор Султонов, Ғани Валиев бошчилик қилаётган бригадалари олиб боришмоқда. Пардозлаш-қурилиш трестига қарашли 24, 45, 31-қурилиш бошқармалари жамоалари пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар. Топширилган ҳар бир бинода 58 хонадон бор. Бу хонадонлар катта ва кичик оилаларга мўлжалланган. Ҳар бир қаватда кенг майдонча мавжуд. Болалар бу ерда бемалол ўйнашлари мумкин.

— Қурилиш бригадаларининг ҳаммаси ҳам яхши меҳнат қилишмоқда, — дейди ишлар мутасаддиси Гуржи ўғли Ҳусанн Османович. — Лекин уларга «Промстройкомплект»га қарашли қурилиш материалларини етказиб берувчи заводлар панд бермоқда. Улар керакли туркум қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётганлиги сабабли қурилиш ишлари чўзилиб кетмоқда. Бу эса ўз навбатида қурувчиларнинг моддий манфаатдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Пардозловчилар ҳам пардозлаш материаллари сифатидан норозн. Бунинг устига бу материаллар кеч ва кам миқдорда етказиб берилмоқда. Маълум бўлишича, уларнинг бошига ҳам бнз, қурувчиларнинг кунн тушаётган экан. Узингизга маълум, янги уйга кўчиб киранингизда баҳри-дилингиз очилиб кетиши керак. Лекин 2—3 ой ўтгач, қувончингиз узоққа бормаса, бундан ёмони йўқ. Сифатсиз пардозлаш материаллари бирнн-кетин кўча бошлайди. Бунда бнз пардозчиларни ноҳақ айблаймиз. Бунинг асосий айбдори албатта шу сифатсиз маҳсулотларнн ишлаб чиқарган заводлардир. Давлат қабул комиссиясн ннмзо чеккан уйга кўчиб кирдингизмн, бас, сувоғи кўчиб кетадими, сув оқиб кетадими, квартира ҳақнни тўлайверасиз.

Қурилишдаги камчиликлардан бнр шингилн ҳақида фикр юритдик, холос. Рўзнома саҳифаларида бу қурилиш ишлари кўп танқид остига олинган, лекин ҳеч ўзгарнш бўлмаяпти.

Мана шу камчиликлар устида қурилиш ва пардозлаш материалларини етказиб берувчи мутасадди раҳбарлар бир ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмас эдн! Ахир, янги уйга кўчиб келганлар билан суҳбатлашиб кўрнинг-а. Тўғри, ҳамма хонадонлар ёмон демоқчи эмасмиз. Яхшиларн ҳам бор. Масалан, 22, 28-квартирада истиқомат қилувчи халқ хўжалиги институти хизматчиси Равшан Мирсаматов, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, 2-хонадонда яшовчи 70 ёшли Усмон ота Умаров апрель ойида олган квартираларидан айрим камчиликларнн ҳисобга олмаганда мамнунлар. Зеро, бу мамнунлик умрн боқий бўлсин, деймиз.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: пардозловчи А. Қолдибоев; «Қоратош»дагн оқ уйлардан яна бирн.

Муаллиф суратлари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларида

Маданият, фан, халқ таълими ва тарихий обидаларни асраш ва миллатлараро, тил ва байналмилал тарбия доимий комиссиялари Ўзбекистон ССР Давлат мадҳияси матнини ёзиш юзасидан ўтказиладиган конкурснинг аввал белгиланган бир ойлик муҳлати қўйилган жиддий вазифага муносиб мукаммал шеърий асар яратиш учун етарли эмас, деб топдилар.

Шоирларимизнинг чиакам ижодий мусобақаси учун тўлиқ имконият яратиш ва конкурсда кўпроқ муаллифларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида конкурснинг муҳлати шу йилнинг 15 сентябригача узайтирилади. Мадҳиянинг конкурсда голиб чиққан шеърий матни Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқилгандан сўнг унинг мусиқасини яратиш учун ўтказиладиган конкурсга алоҳида муҳлат белгиланади.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Октябрь район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Тошкент область партия комитети аппаратига ишга ўтиши муносабати билан Х. С. Орипов район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Чарм-атторлик ва спорт буюмлари бирлашмасининг бош директори бўлиб ишлаб келган С. Саидкаримов Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Асешков ва шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Х. Аскаров иштирок этдилар.



ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

Болалардаги юқумли сариқ касаллиги оғир шаклларини даволаш учун мўлжалланган энг янги мониторлар, лазерлар ўрнатилган чақалоқлар реанимация хонаси ва бошқа замонавий аппаратлар Навоий номли театр фойеларида очилган кўргазмада кенг намойиш қилинмоқда. Бу кўргазма врачлар, фельдшерлар, тиббий ҳамшираларнинг касб байрами — тиббий ходимлар кунига бағишланган. Бу ерда 16 июнь куни ана шу санага бағишланган тантаналн йиғилиш бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари жумҳурият тиббий ходимлари олдида ҳозир одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштиришга доир жиддий вазифалар турганлиги ҳақида гапирдилар.

Ҳозиргача жуда кўп иш қилинди. Даволаш-диагностика хизмати яхшиланди, янги дори-дармонлар, асбоблар соғлиқни сақлаш ишларида кенг жорий этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди, бу соҳада кўп муаммолар тўпланиб қолган эди. Тиббий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлашда саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари тобора кўпроқ ёрдам бераётганлиги ижобий ўзгариш сифатида таъкидлаб ўтилди. Масалан, Тошкентда саноат корхоналарининг маблағлари ҳисобидан ҳар сменада 250 кишини қабул қиладиган болалар поликлиникаси ишга туширилди, чет эл валютасига Ўрта Осиё тиббий педиатрия институти базасида ташкил этилаётган Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон болаларига хизмат қиладиган ихтисослаштирилган марказ учун асбоб-ускуналар сотиб олинди.

(ЎзТАГ).

⊙ СУРАТЛАРДА: тиббиёт ходимлари кунига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантаналн йиғилишдан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

Футбол қироли Пеле ватандошларининг ўйинларини қаттиқ танқид қилганн тўғрига ўхшаляпти. 16 июнда Туринда ўтказилган Бразилия — Коста-Рика беллашуви бунн яна бир карра исботлади. Бразилиядан ташриф буюрган 10 мингга яқнн футбол ишқибозларининг ҳам шу зеринарли ўйиндан кўнгиллари тўлмади. Жанубий америкаликлар фақат ўттиз учинчи дақиқадагина бир маротаба рақиблар дарвозасини ишғол этишга муваффақ бўлдилар, холос.

Голландия — Англия баҳсини ишқибозлар зўр иштиёқ билан кутган эдилар. Чунки командаларнинг иккови ҳам голиблнкка даъвогарлардан ҳисобланади. «Учар голландиялик»лар ишончни яна оқлай олмадилар. Ўйин инглиз футболчиларининг сезиларли устунлигида ўтди. Улар ҳатто бир маротаба эркин тўп тепилганида дарвозани аниқ нишонга олишга муваффақ ҳам бўлдилар, бироқ тўп оширилмасдан тўғридан-тўғри киритилгани учун ҳисобга олинмади. Қизиқарли ўтган баҳс қутилмаганда 0:0 ҳисоби билан тугади. Кеча шу гуруҳда ўтказилган Ирландия — Миср учрашуви ҳам худди шу ҳисоб билан якунланди. Қизиғи шундаки, Англия, Голландия, Ирландия ва Миср командаларидан иборат VI гуруҳда иккитадан ўйин ўтказилган, ҳамма командаларнинг очколари ҳам иккитадан, тўплар нисбати эса 1:1.

Швеция — Шотландия учрашувида шотланд чарм тўп усталари 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Кеча Бельгия — Уругвай командалари ўзаро куч синашдилар. Бельгиялнклар 3:1 ҳисобида голиб келдилар.

Испания — Жанубий Корея ўйинида эса испаниялик Мичелнинг уч аниқ зарбасидан сўнг 3:1 ҳисоби қайд этилди.

Ҳозирча ҳужумчилар баҳсида ютадан тўп киритган ГФР футболчилари Маттеус, Фёллер ва испан чарм тўп устаси Мичеллар карвонбошилик қилмоқдалар. Нимчорак финалга йўлланма олганлар сафига эса Бразилия, Бельгия ва Испания терма командалари қўшилди.

* * *

Кеча Абовянда маҳаллий «Котайк» командаси пахтакорчилар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Д. ИСРОИЛОВ.



⊙ ПАЙВАНДЧИ. 4-қурилиш трестининг 19-қурилиш бошқармаси тажрибали пайвандчиси Юрий Козин. Т. Каримов сурати.



⊙ «ШОЙИСИ ЯХШИ ЧИҚАДИ». Тошкент тажриба-пиллакашлик фабрикасининг моҳир сараловчилари Тожи Соатова, Муборак Габитовалар.

А. Раҳимбоев сурати.

АРМИЯДАГИ ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЙИГИТЛАР!

БУ МАСАЛА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ШЎРОСИНИНГ СЕССИЯСИДА КЎРИЛАДИ

Қайта қуриш бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонларини қамраб олди. У Совет Қуролли Кучлари сафини ҳам четлаб ўтмади. Армияда қайта қуришнинг муҳим омилларн — демократия ва ошкораликни янада ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қабул қилган қарори жумҳуриятимиздаги ҳар бир ота-онанинг дилидаги айни муддаосн бўлди.

ЎзТАГ мухбири ана шу муҳим қарор юзасидан, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарияти снёсий бўлимининг бошлиғи, полковник А. Я. Рубеко билан суҳбатлашди.

— Анатолий Яковлевич, яқинда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашн «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Сиз ана шу муҳим ҳужжат тўғрисида нима дейсиз!

— Аввало шуни айтмоқчиманки, бу қарор гражданларни СССР Қуролли Кучлари сафига чақирувни ташкил қилиш ишига ҳуқуқий асос солган жуда муҳим ва зарур ҳужжатдир. Мазкур қарорда кўпчилик кутган янгиликлар бор. Бу жуда қувончли, албатта. Унда таъкидлаб ўтилганидек, СССР Мудофаа Вазирлигининг қарори билан 1990 йил баҳорги чақириқни ўтказиш чоғида Ўзбекистон ССРдан жанговар қисмларга чақириш наряди кўпайтирилганлиги эътиборга олинди. СССР Мудофаа Вазирлигининг ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш учун наряд шунга мувофиқ камайтирилди. Жумҳуриятдан чақирилган ҳарбий қурувчилар хизматни Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида ўтказадилар. Жумҳурият ҳукуматининг бу қарорида Ўзбекистон ССРдан чақирилган жангчилар қаерда жойлашишидан қатъи назар, ҳарбий қурилиш отрядларида хизматни ўташ шартлари билан танишиш учун махсус комиссиялар тузиш ва бу комиссиялар таркибига халқ депутатларининг ва жамоат ташкилотларининг вакилларини жалб этиш кўрсатиб ўтилган.

— Ҳозир бу қарор қандай бажарилмоқда!

— Ҳар бир қарор у қандай мазмунда бўлмасин ўз вақтида сифатли қилиб бажарилгандагина қимматини йўқотмайди. Биз жумҳурият ҳукуматининг бу қарорини жуда катта масъулиятни ҳис қилиш билан ҳаётга татбиқ этаяпмиз. Уни адо этиш ишлари конкрет план асосида олиб бориляпти.

Бу йилги баҳорги чақириқ қайта қуриш жараёни ўзининг туб бурилиш босқичига кирган, КПСС XXVIII съездига катта тайёргарлик ишлари амалга оширилаётган бир вақтга тўғри келди. Ишимизда мамлакатда кескинлашган миллатлараро муносабатларни, баъзи регионларда армияга қарши пайдо бўлган кайфиятларни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Бундай шароитда ҳарбий комиссариатлар ўз фаолиятларида янги-янги шакл ва усулларни излаб топмоқдалар. Биз ошкораликни кун сайин ривожлантириб боряпмиз.

Ҳарбий хизматга чақириш, хизмат муддатини ўташ, очиқ эшиклар куни масалаларига бағишлаб округ штаби, ҳарбий комиссариатлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари, жумҳурият билан вилоят гражданлари ўртасида бевосита мулоқотлар ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Яқинда вилоят чақирув пунктида ана шундай қабул ўтказилди. Мавриди келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, ўша ерда ҳар куни ишлайдиган жамоат қабули ташкил қилинди. Бу ерда чақирув ҳамда хизмат муддатини ўташ юзасидан барча саволларга жавоб олиш мумкин бўлди.

Ноҳия, вилоят чақирув комиссияларининг ишларини янада яхшилаш бўйича бизнинг таклифларимиз жумҳурият ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланди ва бу борада қарор қабул қилинди. Бизнинг бу таклифларимизда чақирув комиссиялари раисининг ўринбосарлари этиб чақирувни ўтказиш иши билан боғлиқ масаларда тезда чора-тадбирлар кўра оладиган ва бу масалаларни ижобий ҳал қила оладиган (ноҳия, шаҳар, вилоят) халқ депутатлари Советлари ижроия қўмиталари раисларининг ўринбосарлари тайинланиши илгари сурилган. Булардан ташқари, чақирув комиссияларининг ишида халқ депутатларининг вакиллари ҳам қатнашмоқда. Улар орасида ноҳия Совети депутатидан тортиб то Олий Совет депутатигача бор.

Шунингдек, эшелонлар таркибида кўп сонли чақирилувчилар билан бирга партия, совет, комсомол органларининг вакилларини, ота-оналарни жўнатиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Бунда биз нималарни назарда тутаяпмиз.

Биринчидан, бутун йўл давомида, яъни хизматни ўташ жойигача чақирилувчилар билан тарбиявий ишлар олиб борилади. Бу эса ҳарбий хизматга бораётганларнинг хулқ-атворига, интизомига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, қисмга етиб борилгач, бизнинг вакилларимиз армияга чақирилган ёшлар қандай кутиб олинганликларини, улар қандай жойлаштирилганлигини ўз кўзлари билан кўрадилар. Жумҳуриятимиздан илгари чақирилган ҳарбий хизматчилар билан учрашадилар, хизмат муддатини ўташ вақтида уларга яратиб берилган яшаш шароитлари билан, ўқув жараёнининг қандай ташкил этилганлиги билан танишадилар, қисмларнинг командирлари билан учрашувлар ўтказадилар. Уларга она ердан олиб келинган совғаларни, ўзбек тилида чоп этилган турли адабиётларни, пластинкалар, кассеталар, мусиқа асбобларини топширадилар.

Ўйлаймизки, бундай тадбирлар ҳарбий хизматга чақирилганлар учун ҳам, хизмат бурчини адо этаётган ҳарбий хизматчилар учун ҳам, шу билан бир қаторда ота-оналар учун ҳам жуда фойдали бўлади.

— Ҳарбий комиссариатлар чақирилувчиларни меҳнат жамоалари, ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчиларнинг наказларн билан тантаналн равишда кузатиб қолишин қандай уюштирмоқдалар!

— Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлган масала. Шунинг учун ҳам, айниқса, кейинги вақтларда ана шу муҳим масалага эътиборни кучайтирмоқдамиз. Бу зарур тадбирни биринчи навбатда маҳаллий партия, совет ва комсомол органларига яқиндан таянган ҳолда, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, меҳнат жамоалари, ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш туфайли амалга оширяпмиз. Улар ҳар бирининг насиҳатлари ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларда унутилмас таассурот қолдиряпти. Бу ёшларни она-Ватанга ота-боболаримизнинг қаҳрамонона ишларига содиқлик руҳида тарбиялашга илҳомлантирмоқда.

— Ҳарбий комиссариатлар билан жумҳуриятдан чақирилган жангчилар хизмат қилаётган қисмлар ўртасида оталиқ алоқалари ўрнатилганми!

— Ҳа, ўрнатилган. Биз Киев, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ, Карпатолди, Белоруссия, Байкалорти, Москва, Ленинград каби ҳарбий округлар билан оталиқ алоқаларини ўрнатганмиз. Бундай алоқалар тобора ривожланиб боряпти. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари жангчиларнинг ота-оналари билан бирга юқорида номлари тилга олинган округларда бўлдилар. Ана шу округларнинг ҳарбий қисмларида жумҳуриятимиз вакилларига ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажараётган ўзбекистонлик жангчиларнинг ҳаёти, ўқиши билан танишиш имкони берилди.

Жангчиларга, шунингдек, ўзбеклар диёридан олиб борилган турли хил совғалар армуғон этилди.

Жумҳурият ижодий жамоаларининг артистлари эса Киев ва Узоқ Шарқ ҳарбий округларида бўлдилар, ўз санъатларини намойиш этиб, жангчилар ҳурмат-эътиборини қозондилар.

Ҳарбий округлар билан оталиқ алоқаларининг ўрнатилиши жангчиларни ҳарбий ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— Минг афсуски, ҳали ҳам армияда муаммолар кўп. Жумҳуриятимизда армияга кетган ёшларнинг ота-оналари аскарларнинг ўз хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлаётганлиги тўғрисидаги хабардан ниҳоятда ташвишланмоқдалар. Сиз бу ҳақда нима дея оласиз!

— Юртдошларимизнинг ўз бурчларини адо этаётган вақтда ҳалок бўлиши фақат уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғларинигина эмас, бизларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Бу ҳақда статистик рақамлар ва баъзи фактлар мавжуд.

Лекин шуни ҳам очиқ-ойдин айтиш керакки, бизнинг ишимизда ҳали ёшларни армия сафига тайёрлаш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бир талай камчиликлар бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳалок бўлган қарийб ҳар беш жангчининг бири касалликдан вафот этган. Ҳарбий хизматга чақирилувчилардаги бу касаллик соғлиқни сақлаш органлари, ноҳия ҳарбий комиссариатларидаги медицина комиссиялари томонидан яхши аниқланмаган. Ўз-ўзини ўлдириш натижасида ҳам шунча солдат ҳалок бўлмоқда. Булар жисмоний жиҳатдан кам қувват, касал, маънавий ва руҳий томондан чиниқмаган ёшлардир. 9 фоиз жангчи автотранспортни бошқаришни яхши ўзлаштирмаганлиги сабабли авария да ҳалок бўлди. Буларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган барча жангчиларнинг ярмига яқинини ташкил қилади. Агар армия хизматига яхши тайёргарлик кўрилса, бундай фалокат анча қисқариши мумкин.

— Ахир улар фақат ҳарбий хизматга яхши тайёргарлик кўрмаганликлари учунгина ҳалок бўлмаяптилар-ку. Шундай эмасми!

— Ҳа, шундай. Афсуски, ҳали ҳам жангчилар ҳарбий машғулотлар пайтида қурол, техника билан масъулиятсизларча муносабатда бўлганликлари оқибатида, қурилиш, хўжалик ва бошқа ишларни бажараётган вақтда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилмасликлари туфайли ҳам ҳалок бўлмоқдалар. Маълумотларга қараганда, 4,5 фоизга яқин жангчи безорилик қилганлиги, муштлашганлиги, таҳқирланиш ва бошқа сабаблар оқибатида ҳалок бўлган.

— Ҳозирда ёшларни армияга тайёрлаш бўйича қандай муаммолар мавжуд!

— Бизда ҳали ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ҳал этилмаган кўплаб муаммолар бор. Ҳаммамизни чақирилувчиларнинг умумий билим даражаси, уларнинг рус тилини яхши билмасликлари, жисмоний тайёргарлигининг қониқарсизлиги, даволаш-соғломлаштириш ишларининг ёмонлиги ва бошқа масалалар ташвишлантирмоқда.

Ҳозирги вақтда бизни жуда муҳим масала — ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилувчиларнинг ноҳия ва вилоят чақирув комиссиялари ҳузурига бормаслиги фактларининг кўпайганлиги қаттиқ ташвишга соляпти. Бу кўнгилсиз ҳол, айниқса, Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Киров, Октябрь, Куйбишев, Чилонзор, пойтахт вилоятининг Олмалиқ, Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Калинин ноҳияларида рўй беряпти. Бундай муаммоларни биз партия, совет органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда ҳал қилишимиз мумкин.

Совет идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига, — «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунининг бажарилишини таъминлаш, чақирилувчиларнинг чақириқ манзилларига ўз вақтида етиб келишида ҳарбий комиссариатларга ёрдам бериш топширилган.

— Анатолий Яковлевич, суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етмоқда. Сизни бўлажак жангчилар ва уларнинг ота-оналарига қандай истакларингиз бор!

— Мен бўлажак жангчиларга, уларнинг ота-оналарига шундай демоқчиман: армия — бу халқ, давлат фарзанди. Совет Армияси Ватан посбони бўлиб, халқимизнинг тинч меҳнатини қўриқлаб турибди.

Ҳарбий хизмат ҳамиша бизнинг ватанпарварлик ва байналмилал бурчимиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шундай экан, ёшлар ҳарбий хизматга олдиндан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришлари лозим. Умумий таълим сирларини яхши эгаллаш, рус тилини билиш, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиш, армиянинг қийин шароитига ўзини маънавий жиҳатдан тайёрлаш, мураккаб шароитларда ўзини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қилиш, техника кавфсизлиги қоидаларини пухта билиш ҳар бир жангчига ўз хизмат бурчини аъло даражада ўташига кафолат беради.

Т. БОТИРБЕКОВ,

Хушхабарлар

● **АНДИЖОН** вилояти Москва районидаги Шаҳрихон район марказида янги шаҳар телефон станцияси қуриб битказилди. Ихтисослаштирилган кўчма механизациялаштирилган колонна алоқачиларн қурилмаларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишларини бошладилар. АТС абонентлар миқдорини 2 мингдан 6 мингга етказиш имконини беради. Шаҳрихондаги алоқа уйи вилоятдаги алоқа уйларининг ўн биринчисидир. Пахтаобод ва Комсомолобод районларида яна иккита янги АТС қурилади.

● **БЕКОБОДЛИК** цементчиларнинг эллиқдан знёд онласи янги квартираларга эга бўлишди. Уй Бекобод цемент комбинати олган даромад ҳисобидан қурилди. Беш йиллик бошидан буён корхонада уйжой қуриш плани бир ярим баравар ошириб бажарилди. Даромад ҳисобидан физкультура-даволаш комплекси ва чойхона ҳам бунёд этилаяпти, яқин орада эса болалар боғчаси қуриш мўлжалланган.

● **АНГРЕН** шаҳар рўзномасн ва табнатни муҳофаза қилиш маҳаллий қўмитаси ҳодимларн Ангрендаги экологня вазиятнни бузувчиларга қаршн курашнинг ўзнга хос усулнни топдилар. Энди ҳар ойда бир марта «Ангренская правда» саҳифаларида атроф-муҳитни бўлғаётган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати эълон қилиб борилади. Бунда айбдорларнинг аниқ номларигина айтилиб қолмасдан, шу билан бирга ҳавога қанча зарарли чиқиндн чиқарнб юборилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилади.

Хориждан хабарлар

⊙ ҚОҲИРА. Исроил янги ҳукуматининг бошлиғи Ицҳак Шамир Исроил—Фаластин музокараларига нисбатан ўз кабинетининг позицияси янада шафқатсизлашувини эълон қилди. У дастлабки шарҳ тариқасида фаластинликларнинг Исроилнинг босиб олинган араб ерлари учун «чекланган маъмурий мухторият» гоясига рози бўлишни талаб қилди. Бу гоя, аслида, фаластинлик арабларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишга илож қолдирмайди.

Исроил бош министрининг бу баёноти илгари эълон қилинган босиб олинган ерларни тобора мустамлакага айлантириш режаси билан бирга қўшилиб, босиб олинган ҳудудлардаги вазият кескинлашувига олиб келди, деб хабар қилади МЕНА агентлиги.

⊙ БАЙРУТ. Байрутнинг шарқий даҳасида генерал Аунинг армия гуруҳи билан «Ливан кучлари» ҳарбий-сиёсий ташкилотнинг отрядлари ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бузадиган айрим ҳодисалар содир бўлди. Маҳаллий радиостанциялар Набаа, Давра, Синн Ал-Фил районлари миномёт ва тўплардан ўққа тутилганини, Метн—Кесруан маррасида душман томонлар ўртасида ўқтин-ўқтин отишма бўлиб турганини хабар қилди.

«Ал-Марказия» ахборот бошқармасининг хабарига кўра, «Ливан кучлари»нинг Жейдед Газир мавзеидаги казармасида кучли портлаш бўлди. Базанинг ҳарбий ходимлари ва граждан аҳолисидан бир неча киши жароҳатланди. Ғалва чиққан жойни «Ливан кучлари»нинг қуролли бўлинмалари қуршаб олди.

Ватикан билан Ливан марончилар черковининг бошлиғи Сфейр Ливандаги тангликни бартараф этиш соҳасидаги ўз ташаббусини рўёбга чиқаришга зўр бериб интилмоқда.

⊙ КОБУЛ. Газандалар афғон пойтахтини яна ўққа тутиб, шаҳарга 14 та реактив снаряд отдилар. Етти киши жароҳатланди, бир неча уй-жой биноси вайрон бўлди.

Пойтахт гарнизонининг қўшинлари Кобулнинг ўққа тутилишига йўл қўймаслик ва газандалик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида Пағмон ва Кўҳи-сафи музофотларида жанговар операциялар ўтказди. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, жангарилардан салкам 50 киши, шу жумладан Саудия арабистонлик уч аскар ўлдирилган ва ярадор қилинган, 800 та реактив ва 600 та тўп снаряди, 600 та мина, 400 та граната, анжомлар, қуроллар ва дори-дармон сақланадиган иккита омбор қўлга олинган. Кобулда Афғонистон жумҳурияти хавфсизлик органларининг ходимлари «Ер-Ер» синфига мансуб олтита ракетани ва портловчи моддаларни аниқлаб, қўлга олганлар. Вардак вилоятида афғон ҳарбий-ҳаво кучлари Покистондан қуроллар ва ўқ-дори ортиб келаётган 40 та автомашинадан иборат карвонни гумдон қилганлар.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон миллий конгресс «И» партиясининг раиси Ражив Ганди шимоли-шарқий чегарадан, Непал билан чегарадош Бетия шаҳарчасидан (Бихар штати) «Ҳиндистон бўйлаб сафар»ға чиқди. Оппозиция сардорини минг-минглаб тарафдорлари табриклаб турдилар. У Ҳиндистон мустақиллигига бошчилик қилган ва жумҳуриятни мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшган партиянинг фаолиятини кучайтириш мақсадида зўр тарғиботчилик маъракасини бошлаб берди.

Конгресс «И» партиясининг куч-ғайратлари мамлакат бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга, тескарчи кучларнинг диний-жамоа адоватни авж олдиришига, нарх-навонинг кўтарилишига қарши қаратилади, деди Р. Ганди Бетиядаги митингда. Миллий жабҳа ҳукумати ўткир муаммоларни ҳал қила олмади. Панжобдаги, Жаму ва Кашмирдаги, Ассомдаги вазият ёмонлашди.

⊙ КОЛОМБО. Шри-Ланканинг шимоли-шарқида ҳукумат қўшинлари билан «Тамил илам озодлик йўлбарслари» (ТОТИ) гуруҳининг жангарилари ўртасида бир неча кун давом этган шиддатли тўқнашувлардан кейин бу ерда яраш тўғрисидаги битим кучга кирди. Бу ерда эълон қилинган расмий хабарда айтилишича, адлия министри А. К. Ш. Ҳамид вужудга келган вазиятни муҳокама қилиш учун Жафна шаҳрида ТОТИ раҳбарлари билан учрашган, учрашувда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келинган.

⊙ НЬЮ-ЙОРК АҚШ президенти Жорж Буш америкаликлар орасида ҳамон машҳур бўлиб бормоқда. «Бостон глоб» газетаси ўтказган жамоатчилик фикрини навбатдаги сўраб билиш натижалари ана шундан далолат беради.

Ушбу маълумотларга кўра, Қўшма Штатлар аҳолисининг 79 фоизи ўз президентига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқда. Фикри сўралган америкалик сайловчиларнинг 58 фоизи Буш Оқ уй бошлиғи вазифаларини бемалол уддалайди, деб айтди.

«Бостон глоб» газетасининг таъкидлашича, ҳатто демократларнинг кўпчилиги республикачилар маъмурияти раҳбарининг фаолиятини маъқулламоқда. Мана 13 ой давомида Бушнинг машҳурлиги мунтазам равишда юксак даражада бўлаётгани ҳақида ёзар экан, шу вақт ичида америкаликларнинг камида 70 фоизи президентга хайрихоҳлигини билдирди, деб таъкидлайди газета.

⊙ БМТ. 19 июнь куни Мексикада Сальвадор ҳукумати билан Фарабундо Марти номли Миллий Озодлик фронти вакиллари ўртасидаги бевосита музокараларнинг янги давраси бошланади. БМТ Бош секретарининг расмий вакили миллатлар ҳамжамияти қароргоҳида ана шуни маълум қилди. Музокараларда БМТ Бош секретарининг Марказий Америкада тинчлик жараёни масалалари билан шуғулланувчи шахсий вакили Альваро де Сото иштирок этади.

Музокараларнинг аввалги даврасн 16 майдан 21 майгача Венесуэла пойтахти Каракасда ўтказилган эди. Томонлар салкам ўн йил давом этаётган қуролли можарони тўхтатишнинг мумкин бўлган йўлларини муҳокама қилдилар.

⊙ БОНН. ГФР канцлери Гельмут Коль Германиянинг НАТОга аъзо бўлиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида Совет Иттифоқининг хавфсизлик манфаатлари ҳисобга олиниши зарурлигини айтди.

У «Нойе ревю» ҳафталик газетасининг мухбири билан суҳбатда бирлашган Германия Ғарбнинг Европадаги янги демократиялар ва Совет Иттифоқи билан муносабатларини йўлга қўйишда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини айтди. Айни пайтда, деди канцлер, у икки система ўртасида санқимаслиги ва Ғарбнинг таркибий қисми бўлиб қолиши керак.

Канцлер бутун Германиянинг НАТОга аъзолиги Совет Иттифоқи учун ҳам мақбул бўлиши мумкин, деган фикрни билдирди. Унинг айтишича, бу билан китъада тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланади. Ўз-ўзидан равшанки, деб давом этди у, бунда СССРнинг манфаатлари тегишли тарзда ҳисобга олиниши лозим.



ДОВУЛ ОҚИБАТЛАРИ

⊙ **ҲИНДИСТОН.** Ҳиндистоннинг жанубн-шарқий соҳилига кучли довул ҳамла қилди.

Табиий офат мамлакатнинг жанубидаги энг йирик шаҳар — Мадрасни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шаҳарнинг кўпгина кўчалари сув остида қолди. Йлдизи билан қўпорилган дарахтлар кўчаларни тўсиб қўйди.

СУРАТДА: мана бу эҳром ҳам (Мадрас) довулнинг шиддатли ҳужумига дош бера олгани йўқ.

АП—ТАСС телесурати.

Саид Аҳмад–70 ёшда



Адиб ижодхонасида

Устозлар мактаби

⊙ Халқ меҳрини қозониш, қалбидан ўрин олиш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Бу жуда катта шараф. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотининг совриндори Саид Аҳмад ҳам шундай бахтга муяссар бўлган сиймолар қаторига киради. У ўзининг забардаст романларию, пурмаъно ҳикоялари, ўткир тиғли ҳажвияларию, бетакрор саҳна асарлари билан минглаб китобхонлар қалбини забт этган адибдир. Айни кунларда устоз адибнинг етмиш йиллик тўйи диёримизда кенг нишонланяпти. Шу муносабат билан отахон ёзувчимизнинг ижодхоналарида бўлиб, икки оғиз дил сўзларини эшитиш шарафига муяссар бўлдик.

— Ассалому алайкум, Саид Аҳмад ака! Қутлуғ тўйингиз муборак бўлсин. Ие, шодиёна айёмда кайфиятингиз бироз йўқроқ кўринадими!

— Кел бўтам. Қани ичкарига кир. Оёғим бироз оғриб азоблаётганди, бунинг устига футболчиларимизнинг ютқизгани дард устига чипқон бўлди. Ҳали олдинда сенинг саволларингга жавоб беришдек «оғир» вазифа ҳам турибди ахир, ука.

—Дилимдагини айтдингиз, бир савол бермоқчийдим. Сизнинг бирон-бир асарингиз бўлмаган ўзбек хонадони йўқ. Қолаверса, ҳар бир асарингиз сифат белгиси тамғаси билан туғилади. Келажакда қандай ижод намуналари билан халқимиз кўнглини шод этиш ниятидасиз!

— Ҳозир «Бадбахт дала тутқунлари» деган асар устида иш бошлаганман. Қозоғистоннинг Жезқозғон деган шаҳри Петпак дала деб аталадиган яйдоқ чўл этагига жойлашган.

Петпак дала бизнинг тилда бадбахт дала деб аталади. Ана шу ерда ўн минглаб маҳбусларни бағрига жо қилган лагерь бўларди. Бу асар ўша ерда азоб-уқубатларда яшаган маҳбусларнинг аянчли аҳволидан ҳикоя қилади.

— Ҳозирги янгиланиш даврида адабиёт-санъатимизнинг қайси йўлдан боришини афзал деб ўйлайсиз!

— Ҳажв менга кўпроқ яқин бўлгани учун, гапни шундан бошласам. Бу соҳада улоқ Неъмат Аминов билан Анвар Обиджоннинг қўлида. Ҳозир одамларга жиддий асарлар бироз оғирлик қилади, ижодкорларимиз кўпроқ халқни кулдирадиган асарлар ёзсалар яхши бўларди. Мусаввирлик санъати борки, менимча бунда турли чизиқлардан иборат мавҳум рангтасвир намуналари эмас, ҳақиқий пейзаж ва портретларни яратиш керак. Шаҳардаги ҳайкалларга ҳеч разм солганмисан, Пушкинникини яхши деб айтмасанг, ундан бошқа пичоққа илинадиган бирорта тузукроқ ҳайкал йўқ. Душанбега боргандим. У ердаги Рудакий, Ибн Сино ва Айний ҳайкалларини кўриб лол қолдим. Мана буларни ҳақиқий санъат асарлари деса бўлади. Улардан ўрнак олсак ёмон бўлмайди... Анчадан бери опера ҳақида ўйлаб юраман. Бундан 60 йиллар муқаддам опера жумҳуриятимизга кириб келганида, халқ буни 50 йилдан кейин тушунади дейишганди. Мана, орадан шунча вақт ўтибди-ю, кишилар ҳамон операни «тушунганлари» йўқ. Гап шундаки, бу бизнинг руҳимизга мос эмас. Халқимиз учун бегона. Ҳўш, шундай экан, Шарқнинг ўзига хос ажойиб анъаналари бўла туриб, нима учун Европага эргашишимиз керак?

— Адабиётимизда авваллари устоз-шогирд анъанаси бўларди. Бунда ёш қаламкашлар йирик ижодкорлар атрофида юриб устозлардан илм ва услуб ўрганишдан ташқари, одамийлик, инсоф ва диёнатдан ҳам сабоқ олардилар. Менимча, ҳозир бу йўлда қандайдир узилиш борга ўхшайди.

— Авваламбор устоз деган сўзнинг тагига етиш керак. Адабиётда устоз ва раҳнамо деган тушунчалар бор. Иккови бутунлай бошқа олам. Масалан, бирон-бир ёзувчи моддий томондан қийналса ёки унинг асарларини чоп этишга ёрдам берилса, бу раҳнамолик дейилади. Бизда кўпинча раҳнамоларни ҳам устозлар сафига қўшиб юборишади. Миртемир, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг ўз мактаби бор эди. Шогирдлари уларнинг услубларини ўрганиб, шу мактабни ривожлантирганлар. Ҳозир эса баъзи ёш шоирларимиз ижодида Ғарб шеъриятига эргашиш, унга тақлид қилиш ҳоллари учрамоқдаки, шеъриятимиз миллий руҳдан чиқиб кетмоқда. Ўзбек ўқувчиси бунда ўзини кўрмайди. Насрда ҳам ҳозир изланиш кетяпти.

— Халқимиз азалдан кулгисевар. Бу хислат унинг қон-қонига сингиб кетган. Менимча, кейинги пайтларда кулги кечалари, қизиқчилар танловлари ўтказилаётгани нур устига аъло нур. Ўзбек ҳажвчилигининг сардорларидан бири сифатида бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай!

— Ҳа, Мирза Холмедов, Обид Асомов, Ҳожибой Тожибоев каби ёш кулги усталаримизда ички маданият, топағонлик ва ҳозиржавоблик хислатлари бор. Мен уларга камолот тилайман. Аския ҳақидаги мулоҳазаларим эса, бир оз эришроқ туюлиши мумкин. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг «Аския — бу гўнгнинг устида очилган гул», деган бир гаплари бор эди. Қиссадан ҳисса шуки, аския кўпинча уят гаплар замирига қурилган бўлади. Хотин-халаж, ёш болалар тўпланган жойларда аския айтиш одоб доирасига кирмайди. Энди буёғига хулосани ўзингиз чиқариб олаверасиз.

— Рўзномамизга тилакларингиз...

— «Оқшом» ўзининг яхши анъаналарини давом эттирсин. Адабиёт, санъат ва маданиятимизни тарғиб қилиш йўлидан тоймасин. Янги иқтидорларни кашф этсин. Кишилар хизматдан ҳориб-чарчаб келсинлару «Оқшом»ни қўлларига олиб ундаги бири-биридан қизиқ мақолаларни ўқиб, чарчоқларини ҳам унутсинлар.

Суҳбатдош **Дилшод ИСРОИЛОВ.**

«Кўз ёши тошни ҳам эритади»

(Саид Аҳмад асарларидаги иборалардан).

⊙ Тили чиққандан бери бирон гапни жавобсиз қолдирмаган.

⊙ Совчи бўлган хотин ҳалимдек юмшоққина экан.

⊙ Кўнгли қора одамни қўлидан чой ичмайман.

⊙ Бечора муштипар эр, болани бағрига босиб, йиғлаб-йиғлаб онасиникига кетяпти.

⊙ Даъвосидан кечмагунча йиғлайвер, кўз ёши тошни ҳам эритади.

⊙ Бу чиройли сотувчи жонон қиз тушмагур шаҳардаги ҳамма бўйдоқларни михлаб, арқонлаб, эгарлаб ташлади.

⊙ Куёвимнинг ичгандан бўшаган шишаларига икки оила бемалол рўзғор тебратса бўлади.

⊙ Эҳтиёт бўлинглар, иғвогар бамисоли калтакесак бўлади. Аллақайси ковакдан чулдираб овози чиқади-ю, ўзи кўринмайди. Эзғилаб ташлайманн десанг, дарров ковакка кириб кетади. Шу кириб кетганича кечалари ҳам чулдираб ухлатмайди. Иғвогарни йўлса ҳам солиб бўлмайди. Бу жиҳатдан у қўнғизга ўхшайди. Қўнғиз тўнкарилиб қолиб ўнгланолмай, ғўнғиллай беради. Ўнглаб қўяй деб қўл узатсангиз, қўлингизни саситиб юборади.

ЁЗУВЧИ адабиётнинг домовойига кўпроқ одам ёзмоғи керак, дер эди Абдулла Қаҳҳор. Яъни ёзувчи асарларида шундай образлар яратилсинки, улар китоб саҳифаларидан чиқиб, ҳаётдаги одамлар сафига қанча кўп қўшилса, шунча яхши. Саид Аҳмад бутун ижоди давомида устознинг бу ўгитига қатъий амал қилишга интилди. Мана, эллик йилдирки, у ҳикоялар ва очерклар ёзиб, фельетонлар ва ҳажвиялар яратиб, қиссалар ва романлар барпо этиб, комедиялар ижод қилиб уларда одамларнинг қалбига кира оладиган, уларнинг яқин дўстларига, ҳамдардларига айланиб, оғирини енгил қила оладиган, руҳига мадад берадиган жонли характерлар силсиласини яратди. Бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад 70 ёшга тўлди. Бу қутлуғ санани у чўлда ўсган якка чинордек ёлғиз бир ўзи қарши олаётгани йўқ. Назаримда шундай туюладики, бугун унинг қаторидан уни қутлаб, хизматига мунтазир бўлиб, қўлини кўксига қўйиб чўл бургутлари, Ўрик домлалар, Икромжонлар, Азизхонлар, Фармонбибилар туришибди. Ўзбек китобхонларига кўпдан бери яхши таниш бўлган бу қаҳрамонлар нечоғлиқ машаққатли изланишларнинг ҳосиласи бўлганини, қандай ижодий тўлғоқлар ва дардлар натижасида дунёга келганини адибнинг ўзи билади.

Саид Аҳмад қаҳрамонларининг кўпчилиги алланечук инжа бир санъат билан яратилган. Уларнинг характерида ҳаёт ҳақиқатининг салмоқли қирралари ифодаланган, улар бетакрор миллий рангларга эга, кўплари юморга йўғрилган. Буларнинг бари қўшилиб, уларга бетакрор ўзига хослик, теран инсоний жозиба, латиф бир самимият бахш этади. Саид Аҳмад қаҳрамонларининг ҳар қайсиси тўғрисида анча кенг гапириш мумкин. Аммо мен бугун фақат бир қаҳрамон ҳақида, унинг бир сифати тўғрисида гапирмоқчиман. Бу — Икромжон. Икромжон — «Уфқ» трилогиясининг марказий қаҳрамони, Саид Аҳмад алоҳида меҳр билан яратган образлардан бири. Икромжон Саид Аҳмад ижодидаги энг етук, энг баркамол образлардан бири. У ғоят ҳаётий. Унинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, гап-сўзлари руҳий жиҳатдан чуқур далилланган. Бу мақолада мен булар ҳақида ҳам батафсил гапирмоқчи эмасман. Мен Икромжон образининг ҳаётийлигини таъминлаган бир омил ҳақидагина тўхтамоқчиман, холос.

Менинг назаримда, Икромжон образи автобиографик образ. Саид Аҳмад ўз ҳаётиданми, ўз характериданми, ёхуд ўз тақдириданми бир бўлагини шундай олган-у, Икромжонга бахш этган. Шунинг учун Икромжон Саид Аҳмаднинг ўзига ўхшаб чиққан. Табиийки, бу ўхшашлик муаллиф билан қаҳрамоннинг ташқи қиёфасида ёхуд бирон-бир қилиқларининг муштараклигида эмас. Мен Икромжон образининг автобиографик жиҳати ҳақида гапирдим. Аммо бундан муаллиф билан қаҳрамон биографиясининг қай бир нуқталари ўхшаш экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Аксинча, уларнинг ҳаёт йўллари батамом бир-биридан узоқ. Хўш, унда нимага асосланиб, юқоридаги фикр айтиляпти? Эътибор берсангиз, Икромжон жуда қатъиятли, ғоят бардошли, ўз эътиқодига, ўз дўстларига, яқин одамларига садоқатли бир шахс сифатида кўрсатилган. У ҳаётда ҳар қадамда ҳал қилиб бўлмайдиган мушкул саволларга рўпара келади, тақдир унинг бошига ўта шафқатсизлик билан зарбаларини йўллади, ҳатто ўғли Турсунбой қочоқ бўлиб қолганида бу исноднн кўтаришга ҳам мажбур бўлади. Тақдирнинг бағри тошлигини қарангки, Икромжоннинг ўз жигарбандига қарши милтиқдан ўқ узишга мажбур қилади! Бундан ортиқ бедодлик, бундан даҳшатлироқ фожиа бўлармикан? Аммо энг ҳайрон қоладигани ва балки энг қойил қоладигани ҳам шундаки. Икромжон тақдир зарбаларининг ҳаммасини мислсиз бир бардош билан енгиб ўтади, уларнинг таъсирида аталадай ёйилиб кетмайди, эътиқодидан кечмайди. Бардош ва садоқат Икромжонга инсоний жозиба ато этган асосий қудратдир. Икромжон билан Саид Аҳмад ўртасидаги яқинлик ҳам айни шу нуқтададир. Гап шундаки, ҳаёт тегирмонида ўзи обдон синовдан ўтмаган, тақдир зарбаларининг аёвсиз қудратини ўзи татиб кўрмаган, бири-биридан шафқатсиз ҳаёт синовларига ўзи дош бериб кўрмаган одам Икромжондаги бардош ва садоқатни бу қадар ишонарли тасвирлай олмас эди. Ҳа, Икромжондаги бардош ва садоқат, аслида, Саид Аҳмадники. Икромжон образининг автобиографик характери ҳақида гапирганда шуни назарда тутмоқдамиз. Бунга амин бўлиш учун адибнинг ҳаёт йўлига бир назар ташлаш кифоя. Ажабки, ҳар қадамда «бахтлар водийси» ястаниб ётган бизнинг гулшан замонамизда Саид Аҳмаддек адибнинг ҳаёти драмаларга, нафақат драма, чинакамига аламли аччиқ фожиаларга тўла бир тарзда кечди.

Саид Аҳмаднинг биринчи ҳикоялари босилиб чиққанда бўлажак халқ ёзувчиси 17 ёшда эди. Биринчи асарнинг босилиши одам учун катта бахт. Албатта, трамвай бекатида кимнидир кутиб турган йигит сенинг ҳикоянг босилган газетани ё журнални кўздан кечираётганини кўриб, бир дунё қувончга тўлмаслигинг мумкин эмас, ҳатто ўша йигитнинг олдига бориб, «ҳикоя — меники, уни мен ёзганман!» деворишдан ҳам ўзингни зўрға тўхтатиб қолишинг мумкин.

Булар — бари тушунарли. Айниқса, 17 яшар йигитнинг қувончини тушунса бўлади. Аммо Саид Аҳмад қачон 17 ёшга тўлган эди? 1937 йилда! Шу жавобнинг ўзиёқ ёш муаллифнинг илк қувончи қандай аламларга қоришиқ бўлганини кўрсатмайдими? Ахир, бутун дунёга ўт кетиб ётган бўлса, теварак-атрофингда «қама-қама» ҳавоси тўлқин ураётган бўлса, «устоз» деб юрган одамларинг «душман» чиқаётган бўлса, юзлаб ва балки минглаб танишларинг қариндош-уруғларининг бегуноҳ қамалаётганларидан ёхуд ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ изсиз йўқ бўлиб қолаётганларидан фарёдлари кўкка чирмашиб ётса, қандай қилиб, сен якка ўзинг бахтли бўласан? Қувончинг қанчага етади? Аксинча, сенинг ҳам кўнглингга қўрқув уя қўя бошламайдими? Сен ҳам умум қатори ваҳимага туша бошламайсанми? Ўзингни мўтлақо бегуноҳ ҳис қилсанг-да, аллақандай ёвуз кучлар сени ҳам тобора зичроқ ўраб келаётганини ҳис қила бошламайсанми? Ҳа, 1937 йилда устига «Бахтлар водийси» деган ялтироқ қоғозлар ёпиштирилган, аслида эса ҳар гўшасида қўрқоқлик ҳукмронлик қилган зулм-истибдод диёри узилкесил қуриб битказилган эди. Бу диёрда истиқомат қиладиган одам ё виждонини ютган, яқин дўстларига, хеш-ақраболарига хиёнат йўлига кирган бўлмоғи ёхуд эса мислсиз мушкулотларга, таҳдидларга дош бериб, бардош қилмоғи лозим эди. Саид Аҳмад иккинчи йўлни танлади.

Бардош ва садоқат

Машъум 1937 йил Саид Аҳмадни четлаб ўтди, бироқ унга раҳми келгани учун шундай қилгани йўқ. Афтидан, «17 яшар боланинг нимасини зулм тегирмонига ташлайман, ҳали жуда ғўр-ку, юратурсин, пишсин, ўз фурсати келар, менинг қўлимдан қаёққа ҳам қочиб қутуларди» деган ўйга борди, шекилли. Бироқ, Саид Аҳмад 1937 йил сиртмоғидан омон қолган бўлса-да, унинг кейинги ҳаёти ҳам осон кечмади. У Низомий номидаги педагогика институтида ўқиб юрганида ҳам, кейинчалик рўзнома ва жаридаларда, радиода, ёш томошабинлар театрида ишлаб юрган кезларида ҳам ўзини қаноти қайрилган қушдек, тили боғланган одамдек ҳис қилди. Ахир, энди кучга тўлишиб, ғайратинг жўш уриб, кучинг ичингга сиғмай келаётган одам учун бундан ҳам оғирроқ ҳолат бўладими? Бундай шароитда илҳом париси ҳам кўздан нарироқ юришга уринади. Саид Аҳмад бу йиллар мобайнида кам ёзди. Бир неча йил қаттиқ уриниб, урушдан кейинги йили «Қадрдон далалар» қиссасини ёзди. Лекин ёш ижодкорнинг омадсизлигини қарангки, бу қисса чиқиб улгурмай, ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» жаридалари ҳақидаги машъум қарори чиқди. Адабиётда яна ур-йиқит бошланди. Яна оқ калтак—қора калтак авж олди. Буларнинг бари 50-йилдан «қама-қама»ларнинг янги тўлқинига олиб келди. Бу галги тўлқин Саид Аҳмадни ҳам ямлаб ютди. Уни аксилинқилобий фаолиятда айблаб, 25 йилга ҳукм қилдилар. Зиғирдек айби йўқ, бирон-бир гуноҳ қилмаган, бировнинг мушугини «пишт» демаган Саид Аҳмад 6 йил давомида қамоқнинг қора нони билан қўланса бўтқасини еб, кун кечирди. 1956 йилда шахсга сиғиниш фош қилингандан кейингина у турмадан чиқди. Албатта, турмада ҳам ҳаёт давом этади, одам бир кунини кўради. Аммо турмадаги ҳаёт тескари ҳаётдир, инсон моҳиятига батамом зид ҳаётдир, турма қадриятлари аксил қадриятлардир. Солженициннинг «Иван Денисович ҳаётининг бир куни» деган қиссасини эсланг — одам бир кунимни кўрай деб, бир тишлам нондан маҳрум бўлиб қолмай деб не-не хўрликларга чидашга мажбур... Бу шароит инсондаги жами инсонийликни маҳв этишга, уни топташга қаратилган. Бу дўзах азобидан покиза имон билан, мустаҳкам эътиқод билан эсон-омон қутулиб чиқиш учун одам ғоят бардошли бўлмоғи керак. Саид Аҳмад бу азоблардан омон чиқди, инсоний сифатларини, юрагидаги меҳрни йўқотмай чиқди. У ёруғ дунёга қайтиб чиққач, ёвузлик майлларига берилмади, кимлардандир ўч олиш пайига тушиб, бутун дунёга зарда қилмади, зоҳиран, тақдирга тан бергандай кўринса-да, енг шимариб ижод қилишга киришди ва ўша йилларда сарфланмай йиғилиб қолган меҳрини асарларида қаҳрамонларга ҳовучлаб сочди.

Саид Аҳмаднинг бардоши, вафоси, садоқати ҳақида гап кетаркан, яна бир нарсани айтмоқ жоиз. Биз бу масалада кўп вақт эрларининг хотирасига содиқ қолган аёлларнинг вафодорлигини гапирамизу, хотинига содиқ қолган эркакнинг вафодорлигини кўпда тилга олмаймиз.

Аввало эр-хотинни бир-биридан бевақт жудо қилмасин. Аммо ҳаёт — ҳаёт, ҳеч ким дунёга устун бўлмайди, қазо — ҳақ! Шуниси борки, эридан ажралган аёлнинг ёлғиз яшаб кетиши осонроқ. Бироқ эркак одам, айниқса, ёши улғайиб қолганида ёлғиз қолса, ўзи рўзғор тебратиши ўн чандон қийинроқ. Тақдир бу масалада ҳам Саид Аҳмадни жуда қийин синовга дучор қилди. Унинг рафиқаси Саида Зуннунованинг умри қисқа экан-у, эллик ёшга тўлмаёқ оламдан кўз юмди. Уларнинг якка-ю ягона қизлари бор эди — эндигина 16 га тўлган қизнинг бутун ташвиши-ю тарбияси рўзғор ишларида мактаб кўрмаган Саид Аҳмадга қолди. Билмадим, бундай шароитда Саид Аҳмад қозон-товоқни, кир-чирни, супур-сидирни қандай эпладийкин, ўзини қандай эпладийкин? Ҳар ҳолда, жуда қийналиб кетгани яққол сезилиб турарди. Ўша кезларда Саид Аҳмад кўзлари киртайиб, ўзи озиб-тўзиб, ҳатто бурни ҳам бир қадар кичрайиброқ қолгандай эди. Бир куни уч-тўрт киши бирлашиб, уни ўртага олдик, ўзимизча унга ҳар томондан насиҳатлар қилдик. «Саиданинг чироғини ёқиб ўтирганинг яхши, лекин ҳали олтмишга кирмаган эркакнинг бўйдоқ юриши ҳам раво кўрилмайди, орқа-олдингга қараб, паст-баландини суриштириб, ўзингга муносиб бирон аёлга уйлан. Орқаваротдан сенга оғиз солаётган суқсурдек аёллар ҳам йўқ эмас», дедик. Саид Аҳмад кулди-ю, индамади. Кейин яна шундан оғиз очган эдик: «Қўйинглар, акалар, бўлмайди», деб гапни қисқа қилди. Кейин эса бошқа бир суҳбатда ёрилди: «Тўғри, ёлғиз эркакнинг аҳволи оғир бўлади. Мана, ёқалар ҳам кир бўлиб кетган. Лекин шундай бўлсада, мен Саиданинг хотирасига хиёнат қилмайман, унинг вафодорлигини оёқ ости қилолмайман!». Лоп этиб кўз ўнгимдан эллигинчи йилнинг охирлари ўтди. Мен ўшанда дорилфунунда ўқирдим. Саида биздан бир курс паст ўқирди. Биз ҳаммамиз уни жуда ҳурмат қилардик. У пайтларда шоиралар ҳозиргидек гуррос-гуррос эмас, бармоқ билан санарли эди. Саида Андижондан келиб, «Қизингиз ёзди» деган биринчи китобини чиқариб, ҳамманинг ҳурматини қозонган эди. Уни Ёзувчилар уюшмасига қабул қилишди. Адашмасам, ўша кезларда талабалар орасида ёзувчилар уюшмасининг аъзоси ёлғиз Саида эди. Бунинг устига феъл-атвори ҳам жуда гўзал, камтар, камсуқум эди. Орадан кўп ўтмай, Саида Саид Аҳмадга турмушга чиқди. Биз жуда хурсанд бўлдик, чунки куёвни ҳам яқиндан билардик, у билан улфатчилик қилганимиз ҳам бор эди. Улар бир-бирларига жуда муносиб эдилар. Улар достонларда мақтаса арзийдиган рисоладаги куёв-келин эдилар. Аммо ҳаётнинг нотантилигини қарангки, улар бир-бирларининг меҳрига қониб улгурмасдан, даҳшатли фожиа юз берди: ҳе йўқ, бе йўқ, куёв халқ душмани сифатида қамалди. Саид Аҳмад-ку қамоқда насибасини тотиб ётгандир — у пайтларда биз бундан бехабармиз. Аммо кўз ўнгимизда бизнинг дўстимиз, факультетдошимиз Саиданинг бошига оғир кунлар тушди. Уни Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашди, ўзини сиёсий жиҳатдан ишончсиз, деб баҳолашди, асарларини босмай қўйишди. Факультетда ҳам муҳокама қилишда унга қўйилмаган айблар, айтилмаган таъналар қолмади. Унинг бош айби — халқ душманининг хотини бўлгани эди. Шу туфайли ўзи ҳам... Ҳатто икки йил аввал кимгадир дафтарини бериб турмаганини ҳам сиёсий важдан деб баҳолашди. Тасаввур қилинг, кечагина истиқболи порлаб турган, катта ҳаёт йўлига эндигина қадам қўйган, кўнглида не-не ижодий режаларни пишираётган 24 яшар жувоннинг қаршисида ҳамма эшиклар бирданига ёпилганди.

Айтганча, бу азобларнинг ҳеч қайсиси Саиданинг бошига тушмаслиги мумкин эди. Бунинг учун Саида кичкинагина бир шартга кўнса кифоя эди — у эридан ажралиши, «Менга бунақа халқ душмани керак эмас», деб ҳаммага жар солиши керак эди. Афтидан, бундай қилиш унча қийин ҳам эмас эди, шекилли. Чунки ўша кезларда биз танийдиган баъзи бир зиёли аёллар қамалган эрларидан осонгина ажралиб кетишган, улар қайтиб келгач эса, яна осонгина уларга тегиб олишган эди. Аммо Саида ҳам ўлгудай ўжар аёл экан —«бошимдан тегирмон тоши юргизсанг ҳам, эримнинг душман эканлигини исбот қилиб бермагунингча, мен ундан юз ўгирмайман!» деб туриб олди. Ҳеч қандай дўқ-пўписа уни аҳдидан қайтаролмади. Ўшанда Саиданинг бутун келажаги довга тикилган эди — у XX съезд бўлишини ҳали билмас эди. «Шахсга сиғиниш» деган гаплар қораланажагидан бехабар эди. Унинг адабиёт даргоҳидан бутунлай қувилиши, бир умр хорзорликда ўтиб кетиши шубҳа қилинмайдиган ҳақиқат эди. Бўйи паст, жуссаси кичик, «Синчалак»ка ўхшайдиган Саида ўшанда инсонийлик бобида, вафодорлик бобида, садоқат бобида ақлимиз бовар қилмайдиган чинакам қаҳрамонлик кўрсатган эди. Ҳозиргача билмайман — бундай одамларнинг зуваласи лойданмикан ё олтинданми?

Саид Аҳмад «Саиданинг хотирасига хиёнат қила олмайман» деганида шуни назарда тутган эди. Шу гапдан кейин таклифимиз нечоғлик ўринсиз ва бачкана бўлганини ҳис қилиб, иккинчи бу масалада оғиз очмайдиган бўлдик. Мен ўшанда яна бир карра Саида билан Саид Аҳмаднинг бир-бирига жуда муносиб бўлганларига ишонч ҳосил қилгандим. «Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай», деган мисраси бор эди шоиранинг. Уни «Қаноатда Саид Аҳмад филча бўлурми, ҳай-ҳай», деса, шоиранинг руҳи ранжимас.

Ҳа, бардош, қаноат, садоқат Саид Аҳмад характерининг ички моҳиятини ташкил қилади. Бу эса покликдан, ҳалолликдан, виждонийликдан туғилади. Буларсиз эса ҳеч қандай ижодкор ижодда бирон маррани эгаллай олмайди. Бугун Саид Аҳмад эришган юксак марраларни кўз олдимга келтирар эканман, унинг халқимиз тилига тушган, дилидан жой олган энг яхши асарларини ўйлар эканман, адибнинг қаноат ва бардош билан босиб ўтган машаққатли умр йўлини хаёлимдан ўтказаман.

Адибнинг суратига бир қаранг: кўкиш қировга ўхшаб қолган сочлар, туртиб чиққан ёноқлар, Юзни замон омочининг ўткир тишлари қолдирган ажин излари қоплаган. Лекин кўзлар ҳамон тийрак, ҳамон нурли. Бу чеҳрадан нуронийлик барқ уриб турипти...

Озод **ШАРАФИДДИНОВ.**

СЎЗ ЗАРГАРИ

Шингил бир воқеа

СЕВИМЛИ адиб Саид Аҳмад ака уч-тўрт шогирдлари даврасида вақт ҳақида сўзлаб, бундай дегандилар.

— Вақт хаёлга ўхшаб тез ўтади, ўйнаб-кулаверганнинг ҳам, ижод қилиб ўзидан мерос қолдирганнинг ҳам вақти ўтаверади... Лақиллаб юриб вақт ўтказмасдан, яхши нимадир иш қилиш, ижод қилиш керак. Лалайиб юраверган одамни вақт ҳам алдаб, кулиб ортда қолдириб кетаверади.

Саид Аҳмад аканинг шу гаплари бир воқеани ёдимга туширди. Қарангки, шунга ҳам ўттиз йилча вақт ўтибди. Ўшанда мен «Ўқитувчилар газетаси» рўзномасида адабиёт бўлимида ишлардим. Саид Аҳмад акадан рўзнома саҳифасига бирор қизиқарли ҳикоя ундириш мақсадида Янгиариқдаги уйларига бордим, одатдагидек хушвақт-хушнудлик билан сўрашиб ҳовлига бошладилар, дастурхон ёзилди:

— Ке, қайси шамол учириб келди? — деб қўйдилар.

— «Ўқитувчилар газета»мизга битта ҳикоя ёзиб берсангиз деб келдим, — дедим бирдан ўзимни дадил тутиб. — Муштарийлар мазза қилиб ўқишарди...

Саид Аҳмад ака истеҳзоли кулдилар:

— Ҳикояни буюртма билан ёзиб бўлмайди-ку...

— Тайёри бордир...

— Тайёри бўлиши билан газета-журналдагилар талашиб олиб кетишади, — дедилар, — ҳозир битта-яримта тайёри ҳам йўқ...

Мулзам бўлдим. Очиқ гап, рўзнома бошлиқларига: «Саид Аҳмад акадан ҳикоя ундириб келаман», деб ваъда берганимга ҳам афсус чекиб юбордим. Саид Аҳмад ака ғамгин бўлиб қолганимни сездилар-да:

—Майли, ўйлама, қани, дастурхонга қара... — дедилар дўлвор бир ҳаракатда. — Политехник таълим ҳақида битта ҳажвия ёзиб берарман... Эртага олиб кетасан...

Суюниб, ўзимда йўқ қувондим...

Саида опамлар косаларда келтириб қўйган лаззатли булғор гармдорили димламани иштаҳа билан, қизғин гаплашиб тановул қилдик. (Саида опа меҳмон кутишга парвона онахон эдилар).

Эртаси куни келиб Саид Аҳмад акадан «Ҳашар» деган ҳажвияни ола муҳарририятга югурдим. Ўша йиллари мактабларда ўқиш ва ишлаб чиқариш таълими гуриллаб кетган эди. Ҳажвияда шу акс этган бўлиб, директор мажлисда мана бундай деб нутқ ирод қилади: «...Ўтган биринчи чорак давомида тўққиз ва ўнинчи класс болалари ўқитувчиларнинг уйлари, участкаларига бориб қирқ мингдан ортиқ хом ғишт, ўн беш мингдан ортиқ гувала қуйиб бердилар. Гувалалар сифатли қуйилгани бизни қувонтиради...»

Ҳажвияни кулиб-кулиб нашрга тайёрлаётганимизда, муҳарририятга Саид Аҳмад ака кириб келдилар.

— Ҳажвия қалай? — деб жиддий сўрадилар.

— Яхши, мириқиб ўқидик.

— Сарлавҳасини ўйладим, ўзимга ёқмади, «Ҳашар» бўлмас экан, уни ўзгартириб, «Гувала» деб қўйсак...

Кулишдик. «Гувала» сўзи ҳажвиянинг мазмунини ва қаҳрамони савиясини тўлиқ ифодалаб берарди. Кичик бир ҳажвиянинг сарлавҳасини кечаси билан ўйлаб, уни тузатгани рўзномага атайлаб келган Саид Аҳмад акага ҳаммамизнинг ихлос-эҳтиромимиз ошиб кетди. Бу ҳажвия ўша пайтда «Ўқитувчилар газетаси»да, кейин 1980 йилда Саид Аҳмад аканинг «Сайланма» асарларининг биринчи жилдида чоп этилди.

Мен бир китобхон-мухлис сифатида ажойиб сўз заргари Саид Аҳмад аканинг асарларини синчиклаб ўқирканман, ҳар бир жумласи дуру-гавҳар шодасидек тиниқ, нурли, гўзаллигига мафтунман.

Тўлқин **РАСУЛЕВ.**



⊙ «Она табиатни севамиз, унинг мўъжизалари гўзал!».
Х. Мирзакаримов сурат-лавҳалари.

Наботот ажойиботлари

Митти атиргул

АТИРГУЛ — гуллар маликаси сифатида эъзозланади. Жаҳоннинг бирор бир мамлакати йўққи, унинг сайр-гоҳлари, уй, хона, масканлари бу ажойиб гул билан безатилмаган. Гулзорларнинг кўркига кўрк қўшадиган, уни янада фусункор ва жозибали қиладиган ҳам атиргул.

Атиргулнинг мингларча нави бўлиб, улар бир-биридан атри-уфори, турфа кўриниши билан фарқ қилади. Атиргул ошуфталари, қўли гул соҳибкорлар атиргулнинг антиқа навларини яратиш устида йиллар давомида тинмай ҳаракат қиладилар. Жозибали бу гулнинг ёқутмисол, алвонранг, оловранг, пушти, қирмизи, нимпушти, нуқраранг, ҳатто тимқора ранглари етиштирилган. Баъзи иштиёқмандлар атиргулнинг тикансиз навини яратишга муяссар ҳам бўлганлар.

Қизиқ, француялик соҳибкорлар хона шароитида ўсадиган бежирим, миттигина атиргул навини етиштиришган. Мазкур атиргул навининг «бўйи-басти» одамнинг мушти қунгурасидек келсада, унинг бутун вужуди тугма катталигидек гултожлари билан қопланади.

Кишини ҳайратга соладиган нарса, чамандагул илк баҳордан то кеч кузга қадар ўсинининг гулгун кўринишини намойиш этиб, хонага ўзгача фазилат киритиб туради.

Бир дарахтли боғ

ВОРОШИЛОВГРАД вилоятидаги Ровень шаҳарчасида истиқомат қилувчи А. Левченконинг томорқасида бир қатор лаззатбахш мевали дарахтлар, турфа гулу чечаклар, қолаверса, шифобахш гиёҳлар билан яшнаганини кўриб ажабланишингиз турган гап.

«Правда Украини» рўзномасининг берган маълумотларига қараганда, А. Левченко боғ парвонаси бўлган аёл. Наботот ошуфтаси бу аёлнинг ҳовлиси олдида ўсаётган бир нок дарахти бор бўлиб, бу дарахтни унинг бобоси В. Никольский 1872 йилда ўтқазган экан. Қизиғи шундаки, бу азамат нокка 43 навли ноклар пайванд этилган бўлиб, уларнинг барчаси шифил ҳосил беради.

Маннон НАБИЕВ.

Бу—қизиқ

Уч дақиқа кифоя

ЯПОНИЯДА ҳарбий базаларга кириш ҳуқуқини берувчи расм ўрнатилган рухсатномалар бекор қилинди. Бунинг ўрнига базада ишлайдиганларнинг ҳар бири, базага кириш-чиқиш жойларида ўрнатилган ғов олдидаги деразада катта бармоқ изларини қолдиришади.

Махсус ускуналар қўл терисидаги расмларни тезгина санаб маълумотларни база ходимларининг бармоқ расмларини ўзида сақлаган микрокомпьютерга беради.

Расмлар бир-бирига мос келсагина механизм ишлаб одамларни ўтказади. Бу назорат синовидан ўтиш учун уч секунд вақт кифоядир. Киодо Циусин агентлигининг хабар беришига қараганда базадан чиқиш ҳам шу йўсинда амалга оширилади.

Ўз-ўзидан йўқолган ёзувлар

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ Ческе-Будеёвица шаҳридаги архивлардан бирида, сирли ҳодиса рўй берди. Аниқроғи ҳужжатлардаги муҳрланган ёзув йўқолиб, қоғозларга тегилмаган эди.

Мутахассислар синчковлик билан ўрганишиб, бу ишни амалга оширганлар, ҳозиргача номаълум бўлган, қулай шароитда кўпая олувчи бактериялар экалигини аниқлашди. Ҳозирда бактериологлар босмадан чиққан қоғозларни тозалашда, бу кўринмас жонзотлардан саноат миқёсида фойдаланиш усуллари устида иш олиб бормоқдалар.

А. РАСУЛОВ,
24-мактабнинг биология ўқитувчиси.

Ҳодиса

ТАҲДИДЧИЛАР

Кечки соат 6 ларда «Роҳат» кўлида дам олувчилар анча камайиб қолган эди. Ўзаро тил бириктирган Г. Кокс билан Р. Тешабоев ҳеч қанақа белги бўлмаган мотоциклда келиб шу ерда ҳордиқ чиқараётган Л. Черновадан 2 минг сўм беришни, акс ҳолда ўлдиришларини айтиб таҳдид қилишди. Жабрланувчи ҳозир ёнида пули йўқлигини, уйидан келтириб беришини айтиб, жиноятчиларни кўндирди. Ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган жиноятчилар Л. Черновадан 500 сўм олаётганларида қўлга тушдилар. Бу операцияни амалга оширишда Бектемир райони ички ишлар бўлими бошлиғи Н. Тожибоев бошчилигидаги оператив гуруҳ аъзолари ҳамда шаҳар жиноий қидирув бошқармаси ходимлари Н. Тянкин, А. Грачёв, В. Қурбонов, М. Султоновлар жасорат кўрсатишди. Таҳдидчиларнинг кейинги қисматини суд белгилайди.

К. ИСКАНДАРОВ,
Бектемир район ички ишлар бўлими тергов хизматининг бошлиғи.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Темир йўллари вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ТЕХНИҚУМИ

9-синфни тугатганларни 1 курсга, ўрта маълумотга эга бўлганларни 2 курсга

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум темир йўллар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича техниклар тайёрлайди: тепловоз хўжалиги, темир йўлда электровоз хўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш хўжалиги, темир йўлда автоматика ва телемеханика, радиоалоқа ва радиоэшиттириш (ўрта маълумотга эга бўлганлар), симли алоқа (ўрта маълумотга эга бўлганлар), энергия билан таъминлаш ва энергетика хўжалиги.

АРИЗАЛАР 18 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА КИШИЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ (ўрта маълумотга эга бўлганлардан 14 августгача).

ИМТИҲОНЛАР 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўрта маълумотга эга бўлганлар: математикадан (оғзаки), рус тили ва адабиётидан (иншо), ўзбек тили ва адабиётидан (иншо).

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: рус тили ёки ўзбек тилидан (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

АРИЗА ТЕХНИКУМ ДИРЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛАДИ:

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта мактабни тўлиқ ёки тўлиқсиз тугатганлик ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақидаги медицина ҳужжати (086/У форма), 6 дона 3x4 см ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки чақирув қоғози.

Шаҳар ташқарисидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Яхши ўқийдиган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Аълочи ўқувчиларга 25 фоиз кўп стипендия берилади.

Техникум ўқувчилари йилига бир маротаба текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

Техникум қўнимгоҳи: 700167, Тошкент шаҳри, Сариқўл кўчаси, 3-уй (1, 2, 5, 8, 10-трамвайларнинг «Сариқўл» ёки «Будённий кўчаси»; 55, 66-автобусларнинг «Темир йўл техникуми» бекатлари). Телефонлар: 32-40-85, 32-43-25, 32-44-96.

Тошкент вилоят матлубот жамиятининг

ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси, кундалик эҳтиёж молларини сотувчи (автомобиль ҳайдовчиси), ошпаз, қандолатчи, новвой, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси (автомобиль ҳайдовчиси).

Билим юрти «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» матлубот жамиятларида ишлайдиган малакали ишчи мутахассисларни тайёрлайди.

Ўқиш муддатлари: озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси ихтисоси бўйича—1 йил; кундалик эҳтиёж моллари сотувчиси (автомобиль ҳайдовчиси) ихтисоси бўйича —1,5 йил; ошпазлик ихтисоси бўйича—1 йил; қандолатчи ихтисоси бўйича—1 йил; новвой ихтисоси бўйича—1 йил; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси ихтисоси бўйича—1 йил; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси (автомобиль ҳайдовчиси) — 1,5 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 16 ДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Танлаган касби кўрсатилган ва ўқишга қабул қилиш ҳақидаги ариза билим юрти директори номига ёзилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: етуклик аттестати (асл нусхаси) ва нусхаси, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3x4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (ишлаганлар учун), вилоят ёки район матлубот жамиятининг йўлланмаси, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.

Охирги 6 йил давомида юқумли касалликлар билан касалланмаганлиги тўғрисида турар жойидаги поликлиникадан маълумотнома.

Мандат комиссияси 23—25 август кунлари ишлайди. Ўқувчилар ойига 70 сўм стипендия билан, қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киритилади.

Аъло баҳо билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига киришда ўрта мактабни олтин медаль билан битирганда бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини битирганлар танлаган касблари бўйича иш билан таъминланадилар.

ИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

Матлубот жамияти ҳодимлари қаторини тўлғазиб, халқ учун хизмат қилишни истаганларга Тошкент вилоят матлубот жамияти ўрта ҳунар-техника билим юртининг эшиклари ҳамиша очиқ.

БИЛИМ ЮРТИГА МАРҲАМАТ!

Билим юрти манзили: 700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210«а» уй. Телефонлар: 65-26-44, 65-08-55.

Билим юртига 16-автобус билан темир йўл вокзалидан, 89-автобус билан Олой бозоридан, 1-маршрутли такси билан метронинг «М. Горький» станциясидан «Касб касалликлари институти» бекатигача борилади.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Электроника институти, Тошкент давлат университети Тошкент политехника институти ва Тошкент шаҳри Куйбишев райОНОсининг

«ЭЛЕКТРОНИКА»

илмий ўқув марказининг

«физика ва математика фанларидан чуқур ўқитиш учун 10—11 экспериментал синфларга ўқувчилар қабул қилиш» тўғрисида газетанинг 1990 йил 14 июнь сонида чиққан эълон сарлавҳаси қуйидагича ўқилсин:

«9—10 СИНФНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!» деб ўқилсин.

Узбекистон ЛКЁИ Марказий Комитети

«ЭМХО» ФИРМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ

фуқаро авиацияси ва «СОЛО-ПОЛЮС» фирмаси билан ҳамкорликда

«КРАСНОЯРСК-СИЭТЛ-ВАШИНГТОН»

йўналиши бўйича махсус велосипед пойгасини ташкил этади.

Пойгада қатнашмоқчи бўлганлардан қуйидаги манзилга мурожаат қилишларини сўраймиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Қатортол кўчаси, 60-уй.
Телефон: 78-30-22.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРИБ ЎҚИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ТАРИХ, ЖАМИЯТШУНОСЛИК,, МАТЕМАТИКА, ИНГЛИЗ ТИЛИ, ФИЗИКА, ГЕОГРАФИЯ фанлари бўйича кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотларни қабул комиссиясидаги кириш имтиҳонларида ишлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган университет ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғудотлар жараёнида **амалий маслаҳатлар, иншо, диктант** ёзиш кўникмалари ва бошқа фанлардан кириш имтиҳонлари топшириш бўйича йўл-йўриқ олишлари мумкин.

Машғулотлар якшанбадан ташқари ҳар куни жадвал бўйича соат 16.00 дан бошлаб университет Маданият саройида 18 ИЮНДАН 30 ИЮЛГАЧА ва 1 ИЮЛДАН 15 ИЮЛГАЧА ўтказилади.

Абонементларни В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг Маданият саройида (26-хона) ҳар куни соат 11 дан 18.00 гача сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 46-39-55.

Ёз қуёши ва сизнинг либосингиз...

Умри кунлар билан ўлчанадиган буюмлар ҳам, йиллар ўтишига қарамай модадан чиқмайдиган буюмлар ҳам бор. Трикотаж буюмлар ҳамиша расм бўладиган буюмлар қаторига киради. Сизларга Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларига эътибор беришни тавсия этамиз. Қулай, чиройли ва модали кўйлаклар, костюмлар, ип-газламали трикотаждан тўқилган енгсиз кўйлаклар шулар жумласидандир. Ёзда трикотаж костюм айниқса қулай, юбка ва енгсиз енгил кўйлак асосий либосимиз бўлиб қолади. Ёзги дам олиш сафарларида улар жуда қулай. Чунки либосни ранг-баранг қилиш имконини беради, айни вақтда чамадонда кўп ўрин эгалламайди.

Либосга мослаб зеб-зийнатларни харид қилишни унутманг. Агар бирор зеб қўшилмаса ҳар қандай чиройли ва модали кўйлак ҳам кўркам кўринмайди, дейишади. Бугун биз хотин-қизларни Марказий универсал магазинига таклиф қиламиз. Бу ерда польшалик кооператорлар ясаган ёзлик зеб-зийнатлар — билагузуклар, зираклар, турфа ранг пластмассадан ясалган занжирлар бор. Ҳар хил бичимдаги боғичли ва гулли табиий сомондан ва капрондан тўқилган хотин-қизларнинг ёзлик шляпалари, енгил ёзлик сумкалар, қуёш тўсқич кўзойнаклар мавжуд.

Ёш жувонлар ёзда енгил шимни маъқул кўришади. Ҳозир ЦУМда ҳар хил — сариқ, пушти, кўк, мовий рангдаги — Покистонда ип-газламадан тикилган шимлар бор.

Ёзлик пойабзални ҳам унутманг — у енгил, қулай ва чиройли бўлиши керак. Усти очиқ, тасмали пойабзалларни ҳозирда ЦУМдан сотиб олишингиз



мумкин. Уларни сиз либосингизни рангига мослаб танласангиз бўлади.

Эркаклар ЦУМдан спорт костюмини, шим, фуфайкаларни харид қилишлари мумкин. Эркакларнинг ҳар хил ёзлик пойабзаллари: сандалетлар, кроссовкалар, енгил шиппаклар мавжуд.

Ошиқамиз денгиз сари, тоғлар сари...

Ёз истироҳат палласи. Бу мавсумда ҳар биримиз сайр-саёҳат йўналишларини танлаш, йўл тадоригини кўриш билан машғулмиз. Ёзбоп кийим-кечагимизни сал-пал янгилаб, сафарда керак бўладиган майда-чуйда буюмларни харид қилишга тўғри келади....

Қаерга йўл олишингиздан қатъи назар ўзингиз билан албатта спорт костюми, жемпер, қулай пойабзал, кундалик босоножкаларни албатта ола кетинг. Шунингдек, енгилгина халат, кўйлак, шим, блузкалар ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Модали билагузуклар, қисма зираклар, пластмасса занжирлар каби зеб-зийнат буюмлари, шунингдек, соч турмаклагич (плойка) ва электр тароқ Сизни ҳамиша кўркам қилиб кўрсатади. Кремларни ҳам унутманг. Агар жануб томонга йўл олсангиз, таркибида какао ёғи, зайтун ёғи, ланолин, липидлар, юқори молекуляр оқсиллар каби табиий ноёб компонентлари бўлган «Бахмал», «Наргиз», «Плацео» кремларини олиш лозим. Йўлда Сизга кўзгу, буклама қайчи, мўйчинак ҳам албатта керак бўлади. Кўркам похол шляпа, қуёшдан сақлайдиган кўзойнакнинг қанчалик зарурлигини айтмаса ҳам бўлади. Ва, албатта, энг муҳим нарсалардан тиш чўткаси, совундон ва совун, соч тарайдиган чўтка, игна-ип (махсус сафар термаси ичида бўлса яна ҳам яхши) ни айтиб ўтиш лозим. Ўйлаб кўринг-чи, яна бирон нарса хотирадан фаромуш бўлмадимикан? Масалан, дейлик ёзги похол сумка, сланци, бошқотирма ўйинларми?

Эркакларнинг йўл тадоригини кўриши бирмунча осон кечади: спорт костюми, шим, бир неча футболка, енгил очиқ пойабзал, кроссовка, сланци, қуёшдан сақлайдиган кўзойнак, спорт сумкаси, соқол олиш термаси, тароқ олинса бўлди — бемалол йўлга чиқиш мумкин. Мабодо шу айтилганлардан биронта буюм керак бўлса Марказий универсал магазинига бирров кириб чиқишингизни маслаҳат берамиз. Бу ерда сиз истироҳат учун зарур бўлган истаган буюмингизни топа оласиз.

ЦУМ.



«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/VI да **Зебуннисо**, 20/VI да **Боғчасарой фавворси.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20, 21/VI да **Хотинлар «гап»ндан чиққан ҳангома»** (премьера).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VI да **Кампир нетармиш**, 20/VI да **Хотиннимнинг эри.**

СЕРГЕЛИ РАЙОН ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Янги Сергели кўчасида ўрта босимли газ қувурида кесиш ишлари олиб борилиши муносабати билан

19 ИЮНЬ СОАТ 13 ДАН 17.00 ГАЧА

Сергели даҳасидаги турар-жой массивларига ГАЗ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Кўрсатилган вақтда газ асбобларига туташ устундаги ва асбобларнинг ўзидаги кранларни беркитиб қўйишни унутманг.

Яна газ бериш бошланганда диққат-эътиборли бўлинг.

Рўзғорингизда келтирилган ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

«ТАШГАЗ» бошқармаси.

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик қувурларини қиш мавсумига тайёрлаш муносабати билан

18 — 23 ИЮНЬ КУНЛАРИ

Горбунов, Стахановчилар, Танкчилар, Б. Хмельницкий кўчалари бўйлаб «Гидропроект» институтидан Тошкент пойабзал фабрикасигача бўлган участкада

ИССИҚ СУВ БЎЛМАЙДИ

33-32-32 телефони бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Тошкент иссиқлик тармоқлари корхонаси.

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 166-мактаб томонидан **Малышев Роман Александрович** номига берилган 356531 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 193-ўрта мактаб томонидан **Ғуломова Шарофат Ғафуровна** номига берилган 774221 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридаги Суюнов номидаги 6-ўрта мактаб томонидан **Юлдашева Лола Баҳриллаевна** номига берилган Д—886683 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳайвонларининг касалликларига қарши курашиш станциясининг маъмурияти, партия ҳамда касаба уюшмаси ташкилотлари жамоаси шу станцияга қарашли «Улуғбек» ветеринария участкасининг ходими Д. А. Байжуматовга отаси

Арзи БАЙЖУМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси кинотасвирчи Н. Зиямуҳамедовга акаси

Файзиддин ЗИЯМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси жамоаси корхона ходими

Рустам Юнусович МУХЛИСОВнинг

вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Деҳқон бозорлари бошқармаси ва Октябрь бозори жамоалари кекса ходим меҳнат ветерани, Октябрь бозор партия ташкилотининг котиби, 1963 йилдан КПСС аъзоси

Азим ТУРАХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 01380.
140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201.**
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.